

ҲАДИС ВА РАЪЙ МАДРАСАЛАРИ

05:00 / 18.01.2017 3962

Ҳадис ва раъй мадрасалари ҳақидаги эски маълумотлардан ҳозирда кўп тарқалгани кишилар орасида бу борада нотўғри тушунча пайдо бўлишига олиб келган. Уларда айтилишича, гўёки ҳадис мадрасалари фикҳий ижтиҳодни ҳадиси шариф асосида, раъй мадрасалари одамларнинг фикри асосида олиб борган эмишлар. Аслини олганда бу мутлақо нотўғри гапдир.

Бу борада аҳли ҳадис деганда ҳижозликларни, аҳли раъй деганда ироқликларни кўзда тутилган бўлади.

Ҳамма, ҳатто Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг мухлислари ҳам у кишини раъй, яъни фикрий фикҳни асосчиси дейишади ва ҳадисни кўп ишлатган имомларга муқобил қўйишади. Худди бошқа имомлар ҳадисдан ҳукм чиқаришгану, Имом Аъзам эса фикрларидан чиқарганга ўхшаб қолади. Менимча, бу хато фикр. Бунга Имом Аъзам яшаган шароит ва бошқа омиллар сабаб бўлган бўлса керак.

Мисол учун, Имом Молик умуман бошқа шароитда яшаб, ижод қилганлар. У киши Мадийнаи Мунавварада ҳадис илмининг марказида яшаганлар. Шунинг учунми, ҳар бир фикҳий масала айтганларида, унга қўшиб ҳадисдан унинг далилини ҳам айтганлар.

Имом Моликнинг «Муватто» китобларида ҳадис ва фикҳий боблар бўлиб-бўлиб келтирилган.

Имом Аъзам ўзлари ажам бўлганлар, асосан арабмас халқлар билан яшаганлар, эҳтимол яна бошқа омиллар бўлгандирки, у киши фикҳий ҳукмни айтиб, ўз сўзлари билан ифода қилганлару, ортидан унга далил бўлган ҳадисни зикр қилмаганлар.

Ҳанафий мазҳабига оид фикҳий китобларни мутоала қилган ҳар бир киши бунини дарҳол тушуниб етади. Аммо Али Қорининг «Мухтасари виқоя» китобига ёзган шарҳини ўқиган одам Ҳанафий мазҳабида айтилган ҳар бир гапнинг оят ва ҳадисдан далили бор эканига ишонч ҳосил қилади.

Ҳозирги кунимизда покистонлик уламолардан Аллома Зафар Аҳмад Усманий ўзларининг устозлари улуғ олим, самоҳатли шайх Ашраф Али Таҳонавийнинг кўрсатмалари ила «Эълоус Сунан» номли йигирма бир жилдли китобни йигирма йил давомида ёзиб тугатдилар. Бу китоб улкан меҳнат самараси ўлароқ Ҳанафий мазҳабидаги фикҳий масалалар ҳадислар асосида ечилганини исбот қилибгина қолмай, ҳадисдан фойдаланишда бошқа мазҳаблардан устун эканини ҳам исбот қилди. Абу

Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳига тил теккизаётганлар аввало мазкур икки китобни ўқиб сўнгра гап бошласалар яхши бўлади.

Ҳижозликларнинг ижтиҳоддаги асосий суянчлари Қуръон ва ҳадис эди. Улар раъйга нодир ҳолатлардагина мурожат қилар эдилар. Чунки улар ҳадиснинг марказида яшар эдилар. Мадийнаи мунаввара ҳадиснинг уяси, муҳожир ва ансорларнинг ватани эди. Шунинг учун, улар ўзлари ечмоқчи бўлган масалаларни ҳадис ёки саҳобийнинг сўзи билан ҳам қилишга қаттиқ уринар эдилар. Бунинг устига ҳадисларнинг кўпи айнан уларнинг ҳаёт тарзи ва шароитига мос равишда ворид бўлган эди.

Ироқ мадрасасининг фақиҳлари эса тамоман бошқа шароитда ижтиҳод қилар эдилар. Уларнинг шароити, яшаш тарзи ва урф одати ҳамда бошқа омиллари қиёсани ҳам тез-тез ишга солиб туришни талаб қилар эди.

Бунинг устига фикҳий ижтиҳодларга асос солиб борилаётган бир пайтда Ироқ фитналар уясига айланган эди. Бу ерда шуъубийлар, динсизлар, рофизалар, хаворижлар ва бошқалар тўлиб тошган эди. Уларнинг ҳар бири ўз фикрини қўллаш учун сохта ривоятлар тўқир эдилар.

Мана шу сабабдан бу ернинг мужтаҳидлари ривоятларни қабул қилиш учун қаттиқ шартларни қўйишга мажбур бўлар эдилар. Улар саҳобийнинг амали ривоятига зид бўлса, ривоятни рад қилар эдилар. Оммавий ҳукмларнинг ривоятчиси ёлғиз бўлса, унинг ривоятини ҳам қабул қилмас эдилар.

Мазкур икки мадрасанинг номи ёлиб ҳолатга қараб қўйилган бўлса ажаб эмас. Чунки аҳли ҳадис мадрасаси ичида раъйга ружуъ қўйганлар ҳам йўқ эмасди. Аҳли Ҳижоздан бўлган машҳур фақиҳ, имом Моликнинг устозлари Робийъа ибн Абдурроҳманни раъйни кўп ишлатгани учун Робийътур раъй деб аташар эди. Шунингдек, аҳли Ироқ ичида имом Шаъбийга ўхшаш ҳадисни маҳкам тутганлар ҳам бор эди.